


№ 172

23.12.2016

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
“Ергеодезкадастр” давлат  
қўмитаси раисинин биринчи  
ўринбосари**



 Т.Абдуллаев

2016 йил “ ”

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва  
давлат кадастри давлат қўмитасида ўтказилган йиғилиш  
БАЁНИ**

2016 йил “ ”

Тошкент шаҳри

- Раислик қилувчи: Т.М.Абдуллаев “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Иштирок этди: П.У.Усенов – Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори
- Қатнашганлар: Қўмита марказий аппаратининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, бош мутахассислар, кадрлар масалалари бўйича бош мутахассис, юридик маслаҳатчи, девонхона мудири

**КУН ТАРТИБИ:**

**Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонунининг мазмун-моҳиятини ўрганиш ҳақида.**

(Абдуллаев, Усенов, Жумагалдиев, Нормўминов, Алимов, Каршиев, Амиркулов, Нозимов,....., Абдуллаев)

Тадбирни қўмита раисининг биринчи ўринбосари Т.М.Абдуллаев кириш сўзи билан очиб, маъруза учун сўзни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори П.У.Усеновга берди. П.У.Усенов ўзининг маърузасида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонунининг мазмун-моҳияти, жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати, жамоат бирлашмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларига оид қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этиши, меҳнат муҳофазасини меъёрий таъминлаш, корхоналар ва объектларни лойиҳалаш, қуриш ва ишлатишда, ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари, ходимларни бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш, меҳнат фаолияти жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқининг кафолатлари боғлиқ нормаларни батафсил тушунтириб берди.

Шу билан бирга ушбу соҳадаги қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилиш ва қонунни бузганлик учун жавобгарлик чоралари ҳақида тўхталиб ўтди ва тадбир қатнашчиларининг саволларига жавоб берди.

Шунингдек, қонуннинг аҳамияти ҳақида қўмита раисининг биринчи ўринбосари Т.М.Абдуллаев фикр билдириб, уни янада чуқурроқ ўрганиб, ижросини сифатли таъминлаш лозимлигини таъкидлади.

Йиғилиш кун тартибида муҳокама қилинган масала ва кўрсатиб ўтилган камчиликлардан келиб чиқиб,

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори П.У.Усеновнинг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонунининг мазмун-моҳияти ҳақидаги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кадрлар масалалари бўйича бош мутахассис (Қаршиев), ишлар бошқармаси (Иномов) юрисконсулт (Амиркулов) касаба уюшмаси (Султонова) зиммаларига:

- қўмитада меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг ва ходимлар соғлиғига бошқача шикаст етказилишининг текширувдан ўтказилиши ҳамда ҳисобга олинишини ташкил этиш;

- қўмита ва унинг тизимидаги ташкилотлар раҳбарларининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича тайёрланиши, қайта тайёрланиши, малакаси оширилиши ва билимлари текширилишини ташкил этиш;

- ҳар бир иш ўрнида меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлишини ташкил этиш;

- меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликлар хавфи мавжудлиги, муайян иш ўринларида ва ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати ҳақида, шунингдек шу муносабат билан ходимларга берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, шахсий ҳимоя воситалари тўғрисида ходимларни ўз вақтида хабардор қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларга, шунингдек касаба уюшмаларига ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати, бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текшириши юзасидан назоратни, текширишни ва мониторингни амалга ошириши учун зарур бўлган ахборот ва материалларни тақдим этиш таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Ушбу йиғилиш баёнида берилган топшириқларнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш котиби



Д.Амиркулов